



O'zbekiston
«Adolat» sotsial-
demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

АДОЛАТ

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 19 (1030) • 2015-yil, 1-may, juma

Қадди баланд элда қадри баланд нурунийлар

➤ 2015 йил —
Кексаларни эъзозлаш йили

Инсон қадри улуғланган, хотираси уйғоқ юрда яшаймиз. Бугунимиз кечаги кундан ёруғ, эртаимиз янада файзли бўлишига ишончимиз комил. Навқирон авлод эътиборда, ёши удуғлар эҳтиромда.

Халқимиз озод, юртимиз обод. Шундай азиз Ватанда яшамоқлик, унинг буюк келажаги йўлида меҳнат қилмоқлик беқиёс бахт. “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Қари билгани пари билмас” каби ҳикматли нақллар минг йиллар мобайнида ҳаётда ўз исботини топиб келган ҳақиқат эканлиги барчамизга аён. Аслида ҳам бир умр меҳнат қилиб, фарзанд тарбиялаб, эл-юрт қорига яраб яшаётган ҳар бир инсон кексайганда ҳурмат-иззат кўриб, эъзозланиб, ҳаётдан рози бўлиб яшашга муносибдир.

Халқимиз кексаларни ҳаммаша ҳурматлаб, эҳтиром кўрсатади. Ёшларимиз нурунийни кўрса, қўли кўксида, саломга шай, хизматга тайёр туради. Маслаҳати-ю панд-насиҳатига лаббай дейди, танбеҳига доим қулоқ тутаяди. Уйининг, дастурхонининг турини ёши удуғларга атайди.



Унут бўлмас кечмиш сабоқлари шукронага ундайди

➤ 9 Май — Хотира ва қадрлаш куни

Нуруний отахону онахонларимиз баҳорнинг илк кунларида хосиятли қуш — қалдирғочни кўрса, қўлларини дуога очиб, тинчлик ва осойишталикка шукрона айтишади. Чунки қалдирғоч аҳил-иноқ оилалар тинч яшайдиган хонадонларга учиб келади, уя қуради, полапон очаяди. Бундан кўриниб турибдики, шу митти қуш ҳам тинчликни қадрлайди.

Ҳа, тинчлик ва осойишталик — улуғ неъмат. Улар мужассам жойда тараққиёт ва ривожланиш барқарор бўлади, одамнинг уйида ҳам, кўнглида ҳам хотиржамлик ҳукм суради, бундай инсон ҳақиқий бахт ва ҳаловатни туйиб яшайди. Уруш эса айрилиқ, вайроналик, жабру ситам, азоб-уқубат... Шоир айтганидек:

Уруш, номинг ўчсин жаҳонда,
Ҳамон битмас сен солган алам.
Сен туфайли кўп хонадонда,
Ота номли буюк шодлик кам...



МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА ҳар бир сафдошимиз масъул

Жорий йилнинг 22-30 апрель кунлари Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар кенгашларининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтди.



Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш дастурий мақсадимиз

➤ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддасига киритилган тузатишни амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳасига кўра амалдаги Қонун вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари бўйича вилоят, туман ва шаҳар ҳоким-

ларининг ҳисоботларини халқ депутатлари Кенгашлари томонидан эшитиш механизми назарда тутилган 251-модда билан тўлдирилмоқда.

Қонунга киритилаётган ушбу қўшимча билан мавжуд тизимга бир қатор асосий қоидаларни жорий этиш назарда тутилган.

Хусусан, киритилаётган қоидаларга асосан вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ҳар йили тегишли халқ депутатлари

Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисобот тақдим этади.

Ҳокимнинг ҳисоботи вилоят, туман, шаҳарнинг ўтган йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида тақдим этилади.



➤ Муқобил энергетика



Янгиободда қуёш электр станцияси

синовдан муваффақиятли ўтди ва фойдаланишга топширилди

Партияимизнинг Сайловолди дастурида янги, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, уй-жой-коммунал соҳаси ва кундалик турмушда қуёш энергиясидан ҳамда бошқа қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш муҳим вазифалар қаторида санаб ўтилган.

Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйишда кейинги йилларда Наманган вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Улар орасида хорижий давлатлар билан ҳамкорликда рўйбга чиқарилаётган истиқболли лойиҳалар ҳам борлиги диққатга сазовордир.



Қонун устуворлиги ҳар соҳада муҳим

➤ Анжуман

Дунё халқлари маданияти турлича. Бугун ба-шарият учун ахборот асри деб аталаётган бизнинг асримизда жаҳон харитасида шундай қадимий маданият ўчоқлари мавжудки, улар тегишли мамлакатларнинг ташриф қоғозига, ялпи миллий даромаднинг салмоқли улушига айланган.

Ўзбекистон ҳам ана шундай тарихий, маданий меросга, қадимий осори-атиқаларга бой мамлакат саналади. Она Ватанимиз бугун сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Юртимиз ҳудудида тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси умумжаҳон аҳамиятига молик кадрият экани эътироф этилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхати-га киритилган. Юртбошимиз ташаббуси билан Самарқанднинг 2750, Қарши ва Шахрисабз шаҳарларининг 2700, Хива, Бухоро ва Термиз шаҳарларининг 2500, Тошкент-

нинг 2200, Марғилоннинг 2000 йиллик тўйлари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Мустақиллик йилларида кўп минг йиллик бой ва бебаҳо тарихий, маданий ва маънавий меросимизни тиклаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб этиш, уларни келажақ авлодга бекаму кўст етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



ИХТИРОЧИ ТАЛАБАЛАР

Фарҳод Маҳмудов, Нуруллохон Муродхоннов, Улуғбек Исмонов биргаликда микроГЭС устида иш олиб бораётган бўлса, Нодирбек Абиджанов шомол ёрдамида энергия олишга мослаштирилган уйнинг нусхасини яратди. Шунингдек, Муҳриддин Шарипов ҳамда Муҳаммадамин Уматалиев шомол энергияси ёрдамида кичик ҳажмли чироқларни нурлантирадиган қурилмалар ихтиро қилишди.



УРФГА АЙЛАНАЁТГАН ИЛЛАТ

ёхуд пулсочар меҳмонлар ва қуёвлар ҳақида

... бир пайтлар никоҳ маросимида келин-қуёвларнинг устидан танга-чақалар, ширинликлар сочилар ва бу сочқиларни йиғит-қизлар, ота-оналар бизни ҳам шундай кунларга етказсин деган яхши ният билан, болажонлар эса ҳавас билан талашиб-тортишиб териб олишарди.



ОКЕАН НЕГА ИСИЯПТИ?

Мутахассислар Тинч океанининг фавқуллодда илиқ сув ҳудуди тез кенгайиб бораётганидан ташвишга тушмоқдалар. Бугунги кунда мазкур табиий ҳодиса Аляскадан Мексикагача бўлган ҳудудни қамраб олиб, Беринг денгизи қирғоқларига қадар етиб борган.



МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА

ҳар бир сафдошимиз масъул

Пленум

Жорий йилнинг 22-30 апрель кунлари Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар кенгашларининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтди. Мазкур анжуманларда партияимиз Сийёсий Кенгашининг 13 апрель кунги III Пленумида қабул қилинган “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастуридан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларни бажариш ҳамда Президент Ислоом Каримовнинг жорий йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар асосидаги амалий чора-тадбирлар комплекс Ҳаракат дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳудудий партия ташкилотлари олдида турган энг муҳим масалалар муҳокама қилинди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Нукус шаҳрида Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, “Адолат” СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши аъзолари, туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Пленумда давлатимиз раҳбари Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи ва ундан келиб чиқадиган муҳим вазифалар, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгашининг III Пленумида қабул қилинган комплекс амалий Ҳаракат дастурини амалиётга йўналтиришда Қорақалпоғистон Республикасидаги партия ташкилотлари ва фаолларимиз олдида турган масъулиятли ишлар хусусида атрофлича сўз юритилди.

— Президентимиз нутқида белгилаб берилганидек, иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни давом эттириш, мулкдорлар ва хусусий тадбиркорлар йўлида гов бўлиб турган тўсиқларни бартараф этиш борасида партияимиз мамлакатимизда ўз ўрнига эга сиёсий куч сифатида фаол иштирок этиши зарур, — деди Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Рашид Матқурбанов. — Айниқса, “Адолат” СДП бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилиши тарафдори сифатида иқтисодий ўсиш натижалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қилиши борасидаги ўз дастурий тақдирларини рўёбга чиқаришда ўз саъй-ҳаракатларини янада кучайтириш талаб этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Р.Отарбаев жамиятда ижтимоий адолат таъминлашнинг қарор топтириш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириши мақсад қилган партияимиз Сайловолди дастури асосида Қорақалпоғистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда партиянинг барча бўғиндаги ташкилотлари фаол иштирок этишини ва уни амалга оширишда жорий йилда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида уларга “Микрокредитбанк” АТФ филиали билан ҳамкорликда имтиёзли кредитлар олиб бериш чораларини ҳамкорликда амалга ошириш режалаштирилганини қайд этди.

Қораўзақ туман партия кенгаши раиси А.Ғулимибетов ўз сўзида партиянинг янги Ҳаракат дастурини амалиётга олишмай йўналтириш борасидаги фикрларини баён қилди: — Энг аввало, мамлакатимизда сиёсий партияларга яратилаётган кенг имконият-

лардан тўла фойдаланган ҳолда иш туттишимиз ўз натижасини бериши аниқ, — деди А.Ғулимибетов. — Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгашининг янги иш режасини бажаришда, албатта, давлат ҳокимияти ижро органлари ва ННТлар билан ҳамкорликни тубдан кучайтиришимиз зарур бўлади. Депутатларимиз ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ижросида иштирок этишларининг ҳам Сайловолди дастурий вазифаларимиз амалиётга йўналтирилишида алоҳида аҳамиятга эга, албатта.

Тадбирда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши III Пленумида қабул қилинган Ҳаракат дастурини бажариш мақсадида ушбу дастур асосида партия кенгашининг ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия гуруҳининг 2015-2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар иш режаси тасдиқланди.

Шунингдек, Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилиб, Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг таркибидаги ўзгаришлар киритилди.

ҚАШҚАДАРЁ. Қарши шаҳрида ўтказилган “Адолат” СДП Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдаги Пленумида ҳам партия тизимида ҳаётий ва долзарб аҳамиятга эга масалалар юзасидан бўлган кизгин муҳокама-ларда анжуман катнашчилари бир қатор тақлифларни ўртага ташлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Кейинги йилларда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида миллий қончилиги-мизга киритилган янгиланишлар сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ўрни ва ролини тубдан оширди, партияларо кураш, гоё ва дастурлар рақобати, умуман, кўппартиявийлик тизimini ривожлантиришга реал шароит яратиб берди, — деди, вилоят партия кенгашининг “Аёллар қаноти” етакчиси Азия Зайнутдинова.

Ўзбекистон “Veteran” жангчи фахрийлар ва ногиронлар бирлашмаси Қашқадарё вилоят бўлими раиси ўринбосари, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати Валерий Левиннинг қўйидаги фикр-мулоҳазаларини йиғилганлар хайрихоҳлик билан тингладилар.

— Мен “Адолат” партияси аъзоси эканимдан беҳад гурурланаман. Зеро, бу партияда жуда кўп дўст ва хайрихоҳларни топдим, бўлими-миз фаолиятида уларнинг беғараз ёрдамлари борлигини айтмоқчиман. Уюшмамизнинг Қашқадарё вилоят бўлими билан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўртакда имзоланган ҳамкорлик шартномаси фахрийлар учун ҳам, партия учун ҳам ўзига хос имконларни пайдо қилди, икки ташкилотнинг ўз-ўзига хос моделларини яратишда ўз таъсири-ни кўрсатишини алоҳида таъкидладилар.

Пленумда партияимизнинг янги Ҳаракат дастурини амалга оширишда вазифаларни амалга оширишда вилоятдаги барча давлат, нодавлат ношайрат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа субъектлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш катта амалий аҳамиятга эгаллиги таъкидланди.

Тадбирда Қарши шаҳар партия кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими етакчиси Гулзода Узоқова Сайловолди дастуримиз доирасида партия фаолларининг ёшлар ўртасида ўтказилаётган семинар ва тадбирлари эртанги куними эгалларининг сиёсий савиясини оширишда аҳамияти катта бўлаётганини алоҳида эътироф этди.

Анжуманда Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси мухолиф фракция деб эълон қилинганлигидан келиб чиқиб, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг 2015 йилдаги иш режаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

САМАРҚАНД. “Адолат” СДП Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдаги Пленуми жамиятда тобора чуқур илдиб олаётган демократик бозор муносабатларини янада ривожлантириш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва ислохотлар самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатадиган говий тақлиф, ташаббусларни илгар суришда ўзининг қатъий сиёсий позициясини намойён этиб келаётган партиянинг, барча доирадаги депутатлик корпусларининг янги Ҳаракат дастуридан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ижросини таъминлашларига қаратилди.

Ўз-ўзини танқид ва ишчанлик руҳида ўтган Пленумда Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракция-

шининг III Пленумида қабул қилинган янги Ҳаракат дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришимизда партия кенгашлари ва депутатлик корпуслари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Виолята-да маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар аввалги сайловлардаги натижага нисбатан икки баробарга кўпайиб, юз нафарга етгани сиёсий ташаббусларнинг янги куч-имкониятларини очиб берганини алоҳида эътироф этиш лозим. Энди гап ҳокимиятнинг вакиллик органларида иш юритаётган депутатларимизнинг профессионал даражасига, сиёсий ҳозиржавоблигига, электорат манфаатларини қай даражада ёқлаб чиқишларига боғлиқ.

— Виолята партия кенгаши томонидан “Парламент соатла-

ёндашув руҳида бўлиб ўтди.

Тадбирда қайд этилганидек, кадрлар тизimini такомиллаштиришда бир қатор ибратли ишлар қилинганлиги партия ташкилотларининг ўз зиммасидаги масъулиятли вазифаларни адо этишида, дастурий гоё ва мақсадларимизни аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда ижобий натижаларини бермоқда. Шунингдек, қуйи бўғинлар фаолиятини кучайтириш мақсадида БПТлар аъзоларининг сиёсий билим ва маҳоратини ошириш мақсадида режа асосида олиб борилган тадбирлар ҳам самарали кечди.

Пленумда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Мақсуд Курбанбоев партияимиз фракцияси Демократик блокка нисбатан ўзини муҳолифат

инновацион гоё, технология ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга доир фаолияти ўз самарасини бермоқда. Бунда, айниқса, ёшларнинг билим ва иқтидорини, ташаббускорлигини яққол намойён бўлмоқда. — деди Хонқа туман партия кенгаши раиси Зеваржон Юсопов. — Туман партия ташкилотимиз қошида фаолият юритаётган “Адолат жигалари” истеъдодли ёшлар клуби ёш иқтидорларни сақлашимизга жалб этиб, ана шу эзгу мақсадларимизга хизмат қилмоқда.

СИРДАРЁ. Гулистон шаҳрида ўтказилган Сирдарё вилоят партия кенгашининг навбатдаги Пленумида ҳам “Адолат” СДПнинг янги Ҳаракат дастуридан ўрин олган

лакаларимизни ошириб бериш, виждонан ишлаш талаб этилади. Партияларо рақобат, содда қилиб айтганда, ўз партия ташкилотининг қатъий позициясини ҳимоя қилаётган сафдошларимизнинг сиёсий маҳоратида, фаолият доирасидаги ҳар бир саъй-ҳаракатида акс этмоғи лозим.

Пленум ишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

СУРХОНДАРЁ. “Адолат” СДП Сийёсий Кенгашининг III Пленумида қабул қилинган комплекс Ҳаракат дастури партияимиз фракцияси янги сиёсий мақом олган, партияларо рақобат янада кучайган бир шароитда сиёсий майдонда партияимиз салоҳияти ва қатъий позициясини ҳар томонлама намойён этишимизда амалий асос бўлиб хизмат қилиши Сурхондарё вилоят партия кенгашининг навбатдаги Пленумида алоҳида таъкидланди.

— Аввало ушбу Ҳаракат дастурининг устувор йўналишлари, мазмун-моҳиятини партия тизимида, электорат ўртасида кенг тарғиб этиш барча даражадаги ташкилотларимиз вакиллари, фаолларимиздан жиддий масъулият, сиёсий билимдонлик ва маҳорат билан иш олиб боришни талаб этади, — деди вилоят партия кенгаши раиси Мухаммаджон Сиддиқов. — Фаолиятимизда эришилган ютуқлар билан бирга, айрим камчилик ва нуқсонлар кўзга ташланганини очиб айтишимиз зарурдир. Бундай сусткашликларга бундан буён йўл қўйиб бўлмаслигини ҳар бимимиз чуқур тушуниб турибди. Ўз-ўзини танқид руҳида ишлаш эса ҳар доим яхши натижалар бериши аниқ. Виолята партия тизимидаги, керак бўлса, бошқа вилоятлардаги етакчи ташкилотлар тажрибалирини ўрганиш билан бирга партия ходимларининг билим ва маҳорати ҳамда масъулиятини оширишга эътиборни кучайтириш лозим.

— Халқ ишончини оқлаш депутат учун юксак масъулиятли вазифа саналади. Шу эзгу мақсадда маҳаллий вакиллик органларида қатъият ва фидоийлик билан иш олиб бораётган депутатларимиз аҳоли ўртасида партияимиз обрўси тобора ошиб, тизимдаги ташкилотларимиз макъби мустақамлашганига ҳам эришмоқдалар, — деди халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати Дилноза Мўминова. — Ўзбекистон “Адолат” СДПдан Сурхондарё вилоятидаги маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар фаолиятида “Халқ ишончи — юксак масъулият” деган шиор кенг амал қилмоқда, десак муболага бўлмайди. Буни жорий йилнинг ўтган даври мобайнида улар томонидан бир қатор ижро этувчи органлар раҳбарларига киритилган ўттиздан ортик депутатлик сўровлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Анжуманда Термиз шаҳар партия кенгаши раиси Бекмурод Ашуров, Музработ туман партия кенгаши раиси Абдуғани Жўраев, партия фаоли Абдурашид Ортиқов ва бошқалар сўзга чиқиб, партияимизнинг ҳаётий ва халқчил гоёлари чуқур акс этган янги Ҳаракат дастурининг амалий ижросида ҳар бир сафдошимиз хисса қўйиши, уларни бу мақсадга сафарбар этишда етакчи ва фаоллар, депутатлар фидоийлик, ташкилотчилик маҳоратларини ишга солиши кераклигини таъкидладилар.

Музокараларга бой тарзда ўтган анжуманда барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, Бухоро, Навоий, Жиззах, Андижон вилоятлари партия кенгашларининг навбатдаги пленумлари ҳам иштирокчиларининг фаолигини, қизгин муҳокама, ўз-ўзини танқид руҳида бўлиб ўтди.



устувор вазифалар фаолиятимизнинг келгузи мазмун-моҳиятини, муҳим йўналишларини қамраб олганлиги эътироф этилди.

Виолята партия кенгаши раиси Аъзам Ибодуллаев бу ҳақда сўз юритаркан, жумладан, шундай деди:

— Ешлар учун янги иш ўринлари яратилишида фаол бўлиш долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади. Шу мақсадда партия Сайловолди дастурида белгиланган ўрта махсус касб-хунардан коллежалари тизимида эътиборни қаратиш, бугунги иқтисодиётда эҳтиёж ортиб бораётган соҳалар, хусусан, хизмат кўрсатиш, уй-жай-коммунал соҳалар бўйича кадрлар етказиб беришга эътиборни кучайтириш зарур. Бунинг учун айнаи вақтда таълим тизимида мавжуд ўрта махсус касб-хунардан коллежалари ҳамда иқтисодиётдаги кадрларга бўлган эҳтиёж масаласи юзасидан вилоят бўйича тахлилий, танқидий асосланган таълимнинг амалиётга асоссан-тирилган маълумот тайёрлашимиз, улар асосида ўз тақлифларимизни ишлаб чиқишимиз мақсадга мувофиқдир.

— Бугун илк бор партияимиз Пленумида қатнашдим, — дейди ёш сафдошимиз Эъзоза Алимова. — Унда асосий масалалар иштирокчиларга кенг ёритиб берилди. вилоят партия кенгаши фаолияти тахлил қилинди. Айниқса, партиянинг ёшлар сиёсатида доир қилинган ишлар мени бундан кўра қўйиб қўймади. Виолята ўз кучига, билим ва маҳоратида ишонган, партияимиз сафида туриб ажойиб орзу-мақсадларига интилаётган ва муваффақиятларга эришаётган ёшлар кўп.

— Аввало Пленум ишчанлик ва муҳокамага қўйилган ҳар бир масалага фаол партиявий муносабат тарзида кенглигини айтмоқчиман, — дейди Мирзаобод туман партия кенгаши раиси Улуғбек Суярнов. — Фаолиятимизга танқидий ёндашув, чуқур ва кенг тахлилий ҳар бир бимимизга партиявий ишлар юзасидан зарур ҳулоса қилишимиз учун асос бўлди. Бу эса ҳадемай ўз самараларини беради, деб ўйлайман. Бунинг учун ўз дастур ва режаларимизни такомиллаштириш, тажриба ва ма-

ри” ва БПТлар раислари учун алоҳида сиёсий ўқувлар ўтказилаётгани ҳам партия фаоллари ўртасида янги Ҳаракат дастуридан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлашга йўналтирилади, — дейди партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М.Бобобекова. — Ўтган қисқа вақт мобайнида вилоятнинг бир йўла тўртта туманида ана шундай тадбирлар ўтказилганлиги ва уларда БПТлар томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир муҳим тақлифлар ишлаб чиқилгани фикримизнинг тасдиғидир. Энди биз туман, шаҳар партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасига муайян ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

деб эълон қилганлиги партия фаолларининг масъулиятини тубдан кучайтирганлигини таъкидлади. М.Курбанбоев дастурий гоё ва мақсадларимиз нуктаси назардан келиб чиқиб, ҳар бир масалада партияимиз позициясини янада қатъий ҳимоя қилишимиз зарурлигини айтиб, муҳолифат партиянинг ҳуқуқлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди.

— Партияимиз фракцияси янги сиёсий мақом олганлигини назарда тутиб, партияимизнинг ҳар бир ташкилоти, депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятига, албатта, танқидий руҳда ёндашиб, йўл қўйилган камчиликларини ўз вақтида аниқлаб, тезда зарур чоралар кўришлари шарт, — деди



си аъзолари, “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, барча бўғиндаги партия кенгашлари раҳбарлари, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Анжуман иштирокчилари “Адолат” СДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси мухолиф фракция деб эълон қилинганлиги дадил муқобил сиёсий тақлифларни ишлаб чиқиш ва илгар суришда, жамиятнинг ривожлантиришининг ўзига хос моделларини яратишда ўз таъсири-ни кўрсатишини алоҳида таъкидладилар.

Партияимиз Сийёсий Кенга-

шларни ўрганиб чиқиш асосида зарур тақлиф ва қўшимчалар киритиш масаласини қўймоқдамиз. Мақсад ҳар бир партия кенгаши ва депутатлик гуруҳи ўз ҳудудидаги вазиятдан чуқурроқ хабардор бўлиб, муаммоларга мос ечимлар тақлиф эта олишига қаратилган.

Самимий баҳс ва мунозаралар асосида ўтган Пленумда янги сиёсий жараёнда партиявий фаолиятни такомиллаштириш юзасидан зарур фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ХОРАЗМ вилоят партия кенгашининг навбатдаги Пленуми ҳам ишчанлик, фаолиятга кенг тахлилий

Қадди баланд элда
қадри баланд нурунийлар

Ўзбекистон "Адолат"
СДП хабарлари

Билим ва амалиёт
уйғунлигида самарага эришилади

Сиёсий ўқув

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши
билан Фуқаролик жамияти шаклланишини
мониторинг қилиш мустақил институти Самар-
қанд вилоят минтақавий бўлинмоси ҳамкорли-
гида "Режали ўқувлар кадрлар салоҳиятини
оширишда муҳимдир" мавзусида семинар-
тренинг ўтказилди.

Унда Самарқанд шаҳар, Ургут, Самарқанд ва Тайлоқ туман-
лари партия кенгашлари раҳбарлари, маҳаллий вакиллик орган-
лари депутатлари, жойлардаги бошланғич партия ташкилотла-
ри етакчилари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Семинарда вилоят партия кенгаши раисининг биринчи ўрин-
босари Ш.Бакаева "Партияга фидойиллик — юртга фидойиллик",
ФЖШМҚМИ Самарқанд вилоят минтақавий бўлинмоси мута-
хассиси Элёр Улуғмуродов "Сиёсий фаоллик — фуқаролик жа-
миятини ривожлантиришда муҳим асос" мавзуларида батаф-
сил сўз юритдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, жойлардаги электорат, аҳоли
партиямиз фаоллари ҳамда депутатларнинг олиб бораётган иш-
ларига бефарқ эмаслар, бу эса партиявий ишларга янада жи-
дий маъсуллат билан ёндашишни тақозо этади.

Ургут, Тайлоқ туманлари партия кенгаши раислари "Партия
кенгаши ва БПТлар ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари"
мавзусида қилган таҳлилий маърузаларида жорий йилда амалга
оширилган ишлар, ютуқ ва тажрибалар ҳамда ҳулосаларни баён
этишти.

— Фидойиллик, режаларнинг аниқ натижавийлиги, аҳоли би-
лан яқин мулоқотда бўлиш фаолиятимизга доим ҳаётчанлик ру-
ҳини беради. Фуқароларни ўйлантираётган муаммоларнинг қону-
ний ечимларини топиш билан бирга, тарғибот тадбирларида
ғоя ва мақсадларимизнинг ўзига хос жиҳатларини тушунти-
ришга, партияимизнинг амалий фаолиятида эришилган нати-
жаларни асосли равишда тушунтириб беришга ҳаракат қила-
ямиз. Яна шуни айтиш жоизки, бўлиб ўтган сайлов даврида-
ги учрашуларда ўртага ташланган таклифлар ва саволлар юза-
сидан қилган ишларимиз ва натижаларга ҳам тўхталганимизда
кишиларимиз бундай эътибордан мамнун бўлиб, уларнинг
партияимизга хайрихоҳлиги янада ортомқда, — деди Тайлоқ ту-
ман партия кенгаши раиси Н.Акрамова.

— Мамакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва
ривожлантиришга қаратилган демократик ислохотларнинг му-
ваффақияти жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаолли-
ги, ҳуқуқий маданиятининг даражаси билан ҳам ифодаланган-
ди, — деди Э.Улуғмуродов. — Фуқаролик жамияти шаклланган-
да аҳоли сиёсий ҳаётда иштирок этиш эътиҳини кенг на-
моён қиладилар. Сиёсий партиялар аъзолари сони ва фаолли-
гининг ошиб бориши даражаси ҳам фуқаролик маданиятини
қўрсатувчи мезонлардан биридир.

Семинарда очилди ва ошкоралик, самимий мулоқот ва ҳам-
жиҳатлик партиявий фаолиятда ҳамisha ижобий натижа бери-
ши амалий ишлар мисолида алоҳида қайд этиб ўтилди.

Зубайдулла ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилоят
кенгаши матбуот қотиби.

МУҚАДДАС ТУЙГУ

Жиззах давлат педагогика институти мажлис-
лар залида Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят,
туман кенгашлари ҳамда вилоят одлия бош-
қармаси билан ҳамкорликда "Ватан тақдир-
— менинг тақдирим, Ватан келажаги — менинг
келажгим" номли тадбир бўлиб ўтди. Уни
вилоят одлия бошқармаси бошлиғи
Э.Ходжақулов бошқарди.

Учрашувада йиғилганлар Тошкент давлат юридик универси-
тети профессори М.Баратов, Юристарлар малакасини ошириш
маркази кафедра мудири, юридик фанлар доктори, профессор
Б.Тошев, Тошкент давлат юридик университети доценти Р.Қўч-
қоровларнинг маърузаларини қизиқиш билан тинглашди.
Тадбирда халқ маданияти, аъналар, урф-одатлари, мил-
лий онг, она Ватан тушунчаси мустақиллик шароитида алоҳида
аҳамият касб этганлиги, ёшларимизни юртга садоқат ва мил-
лий қадриятлар руҳида камол топиши учун бундай юксак ту-
шунчаларнинг ҳаётий ўрни ҳусусида батафсил сўз юритилди.
Таъкидланганидек, Президентимиз томонидан илгари су-
рилган миллий истиқлол ғояларидан бири — Ватан равнақи
ғояси мазмунини ҳар бир кишининг манфатларини юрт манфа-
атлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида
хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир. Бу эса ҳар бир юр-
тодшимизнинг юксак ватанпарварлиги, мустақилликни мустах-
камлаш ва Ватан равнақини таъминлашга шахсий ҳисса қўшиш
истагида намён бўлади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида белгилан-
ганидек, партия ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва барча
фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, конституциявий ҳуқуқ
ҳамда эркинликларини мўжасам этадиган ғояларни ҳар то-
монлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва
сиёсий жараёнларнинг янада инсонпарварлик ва ижтимоий ҳу-
сусият касб этишида фаоллик билан қатнашишни муҳим вази-
фа деб ҳисоблайди.

Жасур ҚАРШИЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилоят кенгаши
матбуот қотиби

Бизнинг мамлакатимизда
кекса авлод вакилларига эъти-
бор ва ғамхўрлик, ҳурмат-эҳти-
ром, меҳр-оқибат кўрсатиш
маънавий ҳаётимизнинг том
маънода ажралмас қисмига
айланган.

Давлатимиз раҳбари Конс-
титутциямиз қабул қилинганли-
гининг 22 йиллигига бағиш-
ланган тантанали маросимда-
ги маърузасида: "Бугунги кун-
да мамлакатимизда 60 ёшдан
ошганлар сони 2 миллион 873
миңдан кўпроқ кишини таш-
кил этади. Мустақиллик йил-
ларида халқимизнинг ўртача
ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан
73,5 ёшга, аёллар ўртасида
эса 75,8 ёшга етди.

Айни пайтда юртимизда 225
миң нафар 80 ёшдан, 44 миң на-
фар 90 ёшдан, 8 миң 700 на-
фар — шунга эътибор бер-
ринг — 100 ёшдан ошган та-
баррук қариялар яшамокда.
Улар орасида 3 миң 109 на-
фар Иккинчи жаҳон уруши қат-
нашчиси, 69 миң 994 нафар
фронт ортида меҳнат қилган
инсонлар борлигини алоҳида
таъкидлаш лозим", — дея таъ-
кидлади.

"Кексаларни эъзозлаш
йили" Давлат дастурида кек-
саларнинг турмуш даражаси
ва сифатини ошириш, уларни
моддий ва маънавий жиҳатдан
қўллаб-қувватлаш, кекса ёшда-
ги аҳоли қатлами, айниқса,
1941-1945 йиллардаги уруш
қатнашчилари ва меҳнат фронт
иштирокчиларининг ижтимо-
ий, тиббий ҳама пенсия
таъминотини мухаммаллашти-
риш кўзда тутилган. Шу бил-
ан бирга, кексаларимизнинг
жамият ва оиладаги ўрнини
мустаҳкамлаш, ёшларимизни

кўп асрлик миллий қадриятлар
руҳида тарбиялашда уларнинг
роли ва аҳамиятини кучайти-
риш кўзда тутилган.

Ушбу Дастурда белгиланган
чора-тадбирларни ҳаётга тат-
биқ этишда Ўзбекистон "Адо-
лат" СДП томонидан ҳам бир
қатор хайрли ишлар қилинмок-
да.

Куни кеча партиямиз Сиё-
сий Кенгаши раисининг ўрин-
босари А.Раҳмонов, партия
фракцияси аъзоси Қ.Жўраев,
вилоят партия кенгаши раиси
А.Турсунов ва раис ўринбосари
Д.Хамдамовалар Бухоро
шаҳрида умргузаронлик қила-
ётган уруш қатнашчилари ва
меҳнат fronti иштирокчилари-
дан бир қанчасининг хона-
донларида бўлиб уларнинг
ҳолидан хабар олишти.

Партия фракцияси аъзоси
Қодир Жўраев таъкидлагани-
ча, аъналар, аждоқларими-
з қолдирган бой маънавий
меросимизни асраб-авайлаш,
бойитиш ва келгуси авлодларга
бус-бутун етказиш, кекса-
ларни эъзозлаш, уларнинг ҳур-
матини жойига қўйиш, меҳр-
мурувват кўрсатиш каби халқ-
имизнинг азалий қадриятла-
рини улуғлаш Ўзбекистон
"Адолат" СДПнинг дастурий
мақсад ва ғояларига уйғун ва
ҳамоҳанг. Кексаларни эъзоз-
лаш йилида бу борадаги иш-
лар кўлами янада кенгайди.
Ўзбекистонимизда мустақил-
барча даражадаги депутатла-
ри мазкур йўналишдаги умум-
дават даражасидаги вази-
фалар ижросига муносиб ҳисса
қўшади.

Бухоро шаҳридаги "С.Ай-
ний" маҳалласида яшовчи
Л.Шариповлар хонадонини
хамшаҳарлари ибратли ва
файзли хонадон сифатида



яқши билишдади. 95 баҳорни
қаршилаётган Латиф ота Ша-
риповнинг қадди тик, руҳи те-
тик, юз-кўзларида шукроналик
ҳисси мўжасам. Бу кишининг
сухбатини олган кишининг баҳ-
ри-дўли яйрайди, кўнгли дам-
бадам ана шундай адоқсиз
сухбатларни истайди. Меҳри
дунёга татийдиган нурли қалб
эгалари билан замондош
бўлиб яшаётганлигидан қуво-
нади.

— Ота-боболарим мана шу
юртда тугилиб ўсган, бир умр
деҳқончилик, чорвачилик билан
шуғулланишган. Шукри, мен-
га шундай жаннатмонанд юр-
тда-туғилиб ўсиш, шу юртга
хизмат қилиш насиб этди.
Ўзбекистонимизда мустақил-
лигимиз шарофати билан эри-
шилаётган барча ютуқлари-
миз, тинч-тотувлигимиз, халқ-
қимиз турмуши ободлиги, фар-
зандларимизнинг атрофими-
зда парвоналиги, кўнгли хотир-
жамилининг қадрини ҳеч қан-
дай тилло-ю зар билан ўлчаб
бўлмайди. Шукроналикда ҳик-
мат кўп, — дейди Латиф ота

Шарипов. — Бошимиздан қан-
дай кунлар ўтмади. Айни ўн
саккиз ёшимда Иккинчи жаҳон
уруши бошланди. Уруш орти-
даги меҳнат фронтига брон
қилишти. Оғир ва даҳшатли
кунларни, уйқусиз кечаларни-
бадам ана шундай адоқсиз
сухбатларни истайди. Меҳри
дунёга татийдиган нурли қалб
эгалари билан замондош
бўлиб яшаётганлигидан қуво-
нади.

қиммати улуғланди, унинг
фаровон ҳаёт кечирishi учун
барча шарт-шароит яратиб
берилмокда. Ёши улуг кекса-
ларга ғамхўрлик кўрсатиш,
уларни ижтимоий муҳофаза
қилишга катта эътибор
қаратилаётир.

"Кексаларни эъзозлаш йили"
Давлат дастури ҳамда давлат-
имиз раҳбарининг 2014 йил
13 октябрдаги "1941-1945
йиллардаги уруш ва меҳнат
fronti фахрийларини ижтимо-
ий қўллаб-қувватлашни
янада кучайтириш чора-
тадбирлари тўғрисида"ги
ҳамда 2015 йил 6 мартдаги
"1941-1945 йиллардаги уруш
қатнашчиларини рағбатланти-
риш тўғрисида"ги фармонла-
ри бу борадаги кенг кўламли
ишларни янги босқичга
кўтарди.

— Вилотимизда бугун уч
юз нафардан зиёд Иккинчи
жаҳон уруши қатнашчиси
истикомат қилишмокда, —
деди МФЙ раиси Хусан
Жалилов. — Вилотимизнинг
шаҳар ва туманларида 1941-
1945 йиллардаги урушда
жасорат кўрсатган юртошла-
римиз хотирасини ёд этиш
мақсадида ёдгорликлар,
урушга умр йўлдошини,
фарзандини кузатган оналар-
нинг рамзий сиймосини акс
этирувчи монументлар барпо
этилди.

Тадбирдан сўнг Тинчлик
ҚФЙда умргузаронлик қилаёт-
ган уруш фахрийларининг
ҳолидан хабар олиниб, уларга
байрам совғалари тақдим
этилди.

— Тинчлик-хотиржамлик,
фаровон турмуш халқимиз-
нинг энг бебаҳо бойлиги,
унинг қадрига етиш, асраб-
авайлаш барчамизнинг энг

олий бурчимиз, — дейди 93
яшар уруш фахрийси Рама-
зон ота Чутбоев. — Юртбоши-
миз томонидан кексаларга
катта ғамхўрликлар кўрсати-
либ, уруш ва меҳнат фахрий-
лари моддий ва маънавий
қўллаб-қувватланаётганидан
мамнунимиз, шундай дорилон-
мон кунларда яшаётганимга
беавад шукрлар қиламан.

Тинч ва осойишта ҳаётимиз
учун, Ватанимизнинг мусаффо
осмонини асрашда, юртимиз-
ни фашизм балосидан ҳимоя
қилишда курашган бу азиз
инсонларни йўқлаш, эъзоз-
лаш, бугунги саодатли кун-
ларнинг қадрига етиш ҳар
биримизнинг бурчимиздир.



Обид ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Бухоро вилоят кенгаши
матбуот қотиби.

Сарвиноз ХАМРОЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Тошкент вилоят кенгаши
матбуот қотиби

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда яқинлашиб келаётган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Янгийўл тумани Тинчлик ҚФЙ ҳудудидagi Хотира майдонида «Инсон азиз — хотира муқаддас» номли тадбир ўтказилди.

Унда партия фаоллари, маҳаллий вакиллик
органлари депутатлари, Янгийўл тумани хоким-
лиги вакиллари, Иккинчи жаҳон уруши қатна-
шчилари ва меҳнат фахрийлари, Янгийўл туман
Тинчлик МФЙ фаоллари, ўқувчилар ҳамда
ОАВ ходимлари иштирок этишти.

— "Адолат" социал-демок-
ратик партияси ҳам Иккинчи
жаҳон уруши вақтида мард-
ларча ҳалок бўлган юртош-
ларимизни ёд этиш, шунинг-
дек, бугунги дорилонмон
кунларда биз билан бирга
умргузаронлик қилаётган
уруш ва меҳнат фахрийлари-
ни эъзозлаш, моддий ва
маънавий қўллаб-қувватлаш,
уларнинг уруш йилларида
кўрсатган жанговар ҳамда
меҳнат жасоратини қадрлаш
мақсадида амалий ишлар
қилмокда, — деди вилот
партия кенгаши раиси К.Шо-
диметов. — Зеро, эл-юрти-
миз учун қилган фидойиларча
хизматлари билан ҳар бири-
мизга ибрат ва ҳаёт сабоғи-
ни бераётган, бизни эзгу
ишларга ундаган, хонадонлар
файзи бўлган фахрийлари-
мизни меҳр ва эҳтиром



билан ардоқлаш, ҳар доим
уларнинг ҳаётини мазмунли
қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам
фарздор.

Мустақиллик йилларида
юртимизда инсон кадр-

Яқинда бу оилавий корхона Ўзбекистон "Адо-
лат" СДП Сирдарё вилоят кенгаши кўмагида
"Микрокредитбанк"нинг Сирдарё туман филиа-
лидан олган 3 миллион сўм кредитга мато ва
газламалар, 2 та тикув машинаси ва бичув даст-
гоҳларини харид қилди. Қисқа фурсатда бола-
лар футболчаси, кийим-кечаклар тиқини йўлга
қўйди.

Корхона раҳбари Наргиза Ярлақова Тошкент-
даги "Ифқатли келин" ўқув марказида тажриба
ва маҳоратини ошириб қайтгандан сўнг махсу-
лот сифатида янада катта ўзгаришлар кўзга таш-
ланди.

— "Микрокредитбанк"нинг Сирдарё туман фи-
лиалидан яна 10 миллион сўм кредит олиш ва
тез орада "Нурли маскан тикувчи" корхонасини

оқиб, ишимизни кенгайтиришни олдимизга режа
қилиб қўйганимиз, — дейди Наргиза Ярлақова.

Тикувчиликка бўлган илк меҳр ва ҳаваснинг
чинакам ороу-мақсадга айлланиб, қатъиятчи ва
меҳнатсевар Наргизани хайрли ишларга ундаган
эди. Ташаббускор партиядошимиз раҳбарлиги-
даги оилавий корхона фаолияти ривожланиб,
айни пайтда ана шундай самаралар бермокда. У
раҳбарлик қилаётган корхонада ўз касбининг ус-
таси бўлган маслақдошларимиз элга наф келти-
риб, ибратли ишларни амалга оширмокдалар.

Партиядошларимиз

Сайхунobod тумани-
нинг Ўзбекистон қишлоқ
фуқаролар йиғинидаги
Паймарт маҳалласидаги
ёш "адолатчи"нинг ўз
ҳамқишлоқлари ва ма-
ҳалладошлари учун
янги иш ўринлари яра-
тиш боросидаги сай-
ҳаракатлари ибратга
лойик.

Маҳаллада қўллаб-хизмат кўрсатиш шоҳобчале-
ри, озик-овқат ва ноозик-овқат дўконлари, нон ва
нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари ишга
туширилши билан бирга касаначиликни ривожлан-
тириш мақсадида уй меҳнати ҳам йўлга қўйилган.

Наргиза Ярлақова ёшлигидан тикувчиликка
қизиқгани боис бу ҳунарни йиллар давомида
иштиёқ ва қўнг билан ўрганди. Тадбиркорликка
кенг имконлар яратилганлиги унинг орзуларига
қанот бағишлади. Наргиза "Маъмураҳоним" оила-
вий корхонасини очиб сай-ҳаракати га кириш-
ди. Даставвал икки ишчи билан иш бошлаган
корхонада бугунги кунда 10 нафар ишчи "устоз-
шогирд" аънасанини давом эттириб, қизинг фао-
лият кўрсатмокда.

Эркин САЙДОВ,
халқ депутатлари Сайхунobod
туман Кенгаши депутати


Янгиободда қуёш электр станцияси

Давомий боши 1-бетда

— Шу йил бошида Поп туманидаги Янгиобод қишлоғида қуёш фотозлектр синов станцияси бунёд этилиб, ишга туширилган эди, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилояти кенгаши раисининг ўринбосари Исроил Жўраев. — Утган давр мобайнида қуёш нурунинг қуввати ёрдамида 25 минг киловатт-соатга яқин электр қуввати ишлаб чиқарилди ва истеъмолчиларга етказиб берилди. Бу ишнинг бошланиши бўлиб, яъни бизнинг иқлимимиз шароитида қуёш панеллари ва модулларининг «Ўзини қандай тутити»ни синовдан ўтказиш лозим эди. Шунинг баробарида қуёш энергетикаси соҳасида фаолият кўрсатадиган мутахассисларни тайёрлашга киришилди. Келгусида бу ишлар миқёси янада кенгайиши турган гап.

Беминнат қуёш қувватини электр энергиясига айлантириб берадиган Янгиободдаги мўъжаз ва мўъжизакор иншоот Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги ўртасида имзоланган меморандумга биноан барпо этилди. Асосий пудрат ишларини «Электрқуёшқурилиш» ОАЖга қарашли Намангандаги 11-жамланма курувчилари олиб бордилар. 492 та фотоэлементи замонавий қуёш панеллари очик ҳаво остидаги 0,3 гектар майдонни эгаллаган. Улардаги жараёнлар техник хизмат кўрсатиш ва назорат маркази жойлашган чоғроқ бинодан бошқариб борилади. Бутун фаолият компьютерлашган тизим ихтиёридалиги унинг ишончли ишлашини таъминламоқда.

Қиёда эса мазкур муқобил



электр қуввати манбаи фойдаланишга топширилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тақдимот маросимида ускуна ва жиҳозларни етказиб берувчи компаниялар, Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги, Фотозлектр саноат ассоциацияси, Корея Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси вакиллари, республикамиздаги бир қатор ташкилотлар ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар шу сингари лойиҳаларнинг амалга оширилиши қуёш

энергетикасини ривожлантиришда зарурий маълумотларни олиш, янги истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда илмий асосланган таклифларни тайёрлаш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши тўғрисида фикр билдирдилар. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги ўртасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятларини ишга солиш

бўйича ҳамкорлик доирасида рўёбга чиқарилган лойиҳа самараси бўлган ушбу синов тартибидеги станция соатига 130 киловатт электр энергияси ҳосил қилиш қувватига эга. Жанубий Кореянинг 700 минг АҚШ доллари миқдоридеги гранти ҳисобига барпо этилган иншоотда мазкур давлатнинг «Hanwha», «JSPV», «S-Energy» ва «TopSun» компанияларида тайёрланган тўрт турдаги 498 та қуёш панелли ўрнатилди. Қурилиш-монтаж ишларини «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси мутахассислари бажардилар. Эндилик-

да станция истеъмолчиларга ҳар куни 500-600 киловатт-соат электр қуввати етказиб бермоқда. Шу билан бирга, маҳаллий иқлим шароитларида турли русумдаги замонавий қуёш панеллари ва модулларининг техник-иқтисодий параметрларини синаш ва фойдали иш қозғовчанлигини аниқлаш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

— Партияимиз фаоллари олиб бораётган тарғибот тадбирларида иқтисодиётда ва турмушда энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантирувчи механизмлар яратиш, аҳолига муқобил энергетика манбалари тўғрисида тушунчалар бериш

муҳим ўрин эгаллайди, — дейди «Адолат» СДП Чуст туман кенгаши раиси Содиқжон Аҳмедов. — Бу ишга фаолларимиз жалб этилган бўлиб, уларга тарғибот жараёнида фойдаланишлари учун қўшни Поп туманида қурилган қуёш электр станцияси ҳақида тайёрланган буклетлар ҳам тарқатилди. Партияимизнинг иқтисодиётга инновацион лойиҳаларни кенг жорий этиш ҳақидаги ғоялари тобора оммалаштириб борилаверади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, «Адолат» мухбири

Тошкент шаҳар «Кўргазма савдо маркази» мажмуасида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар тақдимотининг Тошкент худудий ярмаркаси бўлиб ўтди.

Инновацион лойиҳалар тақдмоти

Худудий тақдимот кўргазмаси Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ЁИХ ҳамда ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан ўтказилди.

Кўргазмада тақдим этилган ишлар мавзуси хилма-хил бўлиб, фаолият соҳасининг турли қирраларини, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим, қурилиш, телекоммуникация, коммунал соҳа, қишлоқ хўжалиги, саноатда қўлланиладиган 360 та лойиҳа ва улар бўйича 153 та тақдимот, 48 та инновацион ишланмалар намойиш этилди. Худудий ярмаркада намойиш этилган илгор технологиялар Тошкент шаҳрининг 26 та худудий саноат корхоналарида амалга татбиқ этилиши кутилмоқда.

Худудий ярмарка иши давомида намойиш этилган янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш самарадорлигини ошириш мақсадида 300 дан ортиқ саноат корхоналари ва 800 дан ортиқ кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, олий таълим муассасаларининг талабалари, техник коллеж ўқувчилари ташриф буюрди.

С.ЖАБОРОВА, «Адолат» мухбири

Ихтирочилар талабалар

Ўш «адолатчи»лар

Президентимизнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, муқобил энергиядан фойдаланишни кенгайтириш, бу борадаги илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш юзасидан юртимизда кенг қўллаб-қувватлаш партиядошларимизнинг фаолияти ҳам эътиборга молик.



Бундай эътибор ва рағбат самараларини Андижон машинасозлик институти иқтидорли талабалари конструкторлик бюроси мисолида ҳам кўриш мумкин. Салоҳиятли, изланувчан сафдошларимиз бугунги куннинг долзарб муаммолари ечимига илмий лойиҳалари билан салмоқли ҳисса қўшмоқда. Институтининг «Автоматика ва электротехнологиялар» факультетида ижодий изланишлар олиб бораётган иқтидорли ёшлар кўп. Фарход Махмудов, Нуруллохон Муродхонов, Улуғбек Исмонов биргаликда микроЭЭС устида иш олиб бораётган бўлса, Нодирбек

Абиджанов шомол ёрдамида энергия олишга мослаштирилган уйнинг нусхасини яратди. Шунингдек, Мухриддин Шарипов ҳамда Мухаммадани Умматалиев шомол энергияси ёрдамида кичик ҳажмли чироқларни нурлантирадиган қурилмалар ихтиро қилишди.

Конструкторлик бюроси институти талабаларининг лойиҳалари билан кифояланб қолмай, вилоятдаги ўқув муассасаларининг истаъдодли ёшларини ҳам излаишга жалб этмоқда. Балкичи индустриал педагогика коллежининг иқтидорли ўқувчиси, 10 дан ортиқ лойиҳалар яратган Шахриод Мусабоев институт



талабалари билан биргаликда иш олиб бормоқда. Узининг изланишлари давомида йўл ҳаракатида қўл келадиган «Еритгичли йўл белгиси», ташкилот ва ўқув биноларининг ташқи кўринишини беэба турадиган «Электрон палма» дарахти, кексаларга ёрдам берадиган «Электрон ёритгичли ҳасса», бохжона идораларида қўллашга мўлжалланган «Еритгичли кўзгу», сайёҳларга амалий кўмак берадиган «Электрон рюкзак», мобил алоқа воситаларини йўл-йўлакай қувватлашга мўлжалланган «Электрон қувватлагич» ва тўловларни амалга оширишда оммалашган пластик тўлов карталарининг маблағ миқдорини аниқлаб берадиган «Электрон ҳамён» каби ихтиролари билан барчанинг эътиборига тушмоқда.

— Ёш сафдошларимизнинг бундай ташаббус ва изланувчанлигини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш айна муддаодир. Чунки улар яратаётган янгиликлар келгусида амалиётда қўлланилиши ва ўз самараларини бериши мумкин, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон шаҳар кенгаши раиси Умиджон Бахронов. — Бу борадаги сайёҳ-ҳаракатлар партияимизнинг муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантиришга доир дастурий вазифалар ижросига хизмат қилади. Муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва уларни ҳаётга амалий татбиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва бу соҳада тинимсиз изланаётган иқтидорли талабалар келажакда янгидан-янги ихтиролари билан соҳалар тараққийига ҳисса қўшадиган, ўз касбини пухта эгаллаган мутахассислар бўлиб етишади, деган умиддамиз.

Акбаржон НАЗАРОВ, «Адолат» мухбири

Таълимга эътибор

Тинчлик — бебаҳо неъмат. Уни асраш-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Аммо шундай касб эгалари борки, жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорлигини таъминлаш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишни, жинорий, маъмурий, умуман, ҳар қандай ҳуқуқий бузилишларнинг олдини олишни ўзининг нафақат фуқаролик, балки касбий бурчи деб ҳисоблайди, кунни кун, тунни тун демай фаолият юртади. Албатта, гап ички ишлар идоралари ходимлари ҳақида кетмоқда.

Ватан тинчлиги ва келажаги жасоратли ёшлар қўлида

Ушбу соҳа ходимлари қандай камол топади, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишлари қандай йўлга қўйилган, бўлажак ички ишлар идоралари ходимлари жисмонан, маънан кучли ва кенг фикрловчи офицер ёки сержант сифатида ҳаётда ўз йўлини топиб кетиши учун Академияда қандай шароитлар яратилган? Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ташаббуси билан «Касбий маданияти юксак, ўқори малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш — асосий вазифамиз» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида республикамиздаги оммавий ахборот воситалари ходимлари шу каби саволларга батафсил жавоблар олишди.

1994 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ички ишлар идоралари учун ўқори касб маҳоратиغا эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланадиган



Олий ихтисослашган таълим муассасаси бўлиб, ушбу ўқув масканидеги жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиш ва тергов қилиш, жамият хавфсизлиги ва мамлакатда ҳуқуқий тартибни таъминлаш вазифаларини самарали ва виждонан бажаришга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлайди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида 4 та замонавий ўқув биноси, тингловчилар учун иккита ётоқхона, меҳмонхона, ҳаммом ва кир ювиш комплекси кабилар тингловчи ва курсантларнинг хизматига шай бўлиб турибди. Ўқув машғулоти ўтказиш учун 18 та маъруза зали, 150 та ўқув аудиторияси ва ўқув-методик кабинет, шунингдек, учта зал ва сув ҳавзасига эга бўлган спорт мажмуаси, теннис ўйнаш ва атлетик тайёргарлик билан шуғулланиш учун спорт майдончалари, икки галереяли ўқ отиш тири, криминалистик полигон, ёпиқ телевидение тизимига эга бўлган телемарказ, энг замонавий компьютерлар билан жиҳозланган компьютер синфи ва 4 та кутубхона мавжуд. Кутубхоналардаги жамғарма 500 мингдан ортиқ нусхадаги ўқув, илмий, ихтимоий-сиёсий, махсус ва бадиий адабиёт, даврий ва ахборот нашрларини ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда Академия профессор ва ўқитувчилари қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва жиноятчиликка қарши кураш ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, олинган натижаларни амалий фаолият ва ички ишлар органларига жорий этиш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб боришмоқда. Хусусан, муассаса илмий мутахассисларининг «Ички ишлар органларининг одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш муаммолари», «Наркобизнес ва наркотрафика қарши курашнинг долзарб муаммолари», «Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашда ички ишлар органлари профилактика фаолиятини такомиллаштириш муаммолари» сингари 30 га яқин муаммолар бўйича илмий-амалий тадқиқот ишларини санаб ўтиш мумкин.

— Муассасанинг фаолияти биринчи навбатда бўлғуси ички ишлар идоралари ходимларининг қўндалик таълимини ташкил этишга қаратилган бўлиб, тингловчилар ва курсантлар ўқори малакали тайёр мутахассис, жисмоний, ҳарбий ҳамда руҳан ва маънан етук шахс сифатида етишиб чиқишлари учун барча шароитлар яратилган, — деди Академия бошлиғи, генерал-майор Шавкат Икромов матбуот анжуманида. — Утган 21 йил мобайнида Академия ўқитувчилар, курсант ва тингловчиларнинг ворисийлиги таъминланган, замонавий моддий-техник базага, тажрибали профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда зарур илмий салоҳиятга эга илмий масканга айланди.

Қайд этилганидек, ҳақиқий вазиятга яқинлаштирилган шароитларда амалий машғулотлар ўтказиш учун Академиянинг шаҳардан ташқаридаги ҳарбий дала ўқув маркази ишлаб турибди. Бу ерда 600 кишига мўлжалланган маъруза зали, ўқув синфлари, тактик шаҳарча, оммавий киргин қуролидан сақлаиш шаҳарчаси, ҳаво кемасида қурилган жиноятчиларни қўлга олиш операцияларини ўрганиш учун «Як-40» самолёти, «СХРОН» ер ости мажмуаси, автомат, карабин, снайперлар милтиғи ва тўппончадан ўқ отиш майдони мавжуд.

Академия спортчилари Ўзбекистон миллий терма жамоалари таркибиде жаҳон ва Осиё чемпионатларида қатнашиб, спортнинг самбо, дзюдо, таэквандо, бокс, оғир атлетика, юнон-рум ва эркин кураш турлари бўйича медалларни қўлга киритмоқда.

Қисқасини айтганда, кўриб гувоҳи бўлганимиздек, ушбу ўқув муассасасида таълим олувчилари Ватанига ва касбига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг касбий, фуқаролик ва ижтимоий-руҳий сифатларини шакллантириш ҳамда умумий маданият даражасини юксалтириш учун барча шароит яратилган. Тингловчилар мавжуд имкониятдан самарали фойдаланиб, ўз юрти ва халқининг тинчлиги йўлида садоқат ва матонат билан хизмат қилишига тилақдошимиз.

Саодат СОДИҚОВА, «Адолат» мухбири



"Ипотека-банк" эл хизматиди

Молия муассасаларида

Мамлакатимиздаги етакчи банкларнинг бугунги сермахсул фаолияти юртимизда кечаётган кенг қамровли ислохотларга қанот бағишлаб, йил сайин гуллаб-яшнаб бораётган диёримизни янада тараққий эттиришга йўналтирилмоқда. Дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз уларда танг вазиятни юзага келтираётган, қатор йирик компания ва таникли фирмалар синиб, бозори касодга учраётган, минг-минглаб ишчи ўринлари қисқартирилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тобора камайиб кетаётган ҳозирги шароитда юртимиздаги барқарор ривожланиш ва юксалишлар ҳар биримизга фараҳлик бағишлайди.

Юртбошимиз томонидан ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган ва эришилган барча ютуқларга кенг йўл очган тараққийнинг "Ўзбек модели" бунёдкор халқимизни улғувор ишларга руҳлантирмоқда. Табиийки, бу жараёнларда иқтисодиётимизнинг мустақкам таянчига айланган банк-молия муассасалари ҳам фаол иштирок этапти. Уларнинг қаторида "Ипотека-банк"нинг олиб бораётган ишлари, айниқса, алоҳида эътиборга моликдир.

Айни пайтда банк тизимидаги 37 та филиал, юздан зиёд мини-банк орқали 64 мингга яқин ҳўжалик юритувчи субъектларга юқори сифатли хизмат кўрсатилмоқда. "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банкининг Андижон вилоят филиали томонидан амалга оширилаётган ишлар, янгилик ва изланишлар, миқозларга яратилаётган қўлайликлар салмоғи жамоанинг бу борадаги вазифаларни муваффақиятли адо этаётганлигини кўрсатиб турибди. — Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланиб, хизмат турлари кўпайиб бораётгани туфайли филиалимиз миқозлари сони йилдан-йилга ортмоқда, — дейди "Ипотека-банк"нинг Андижон вилоят филиали бошқарувчиси Алишер Ураимов. — Шу йил бошидан бошлаб жамоамиз

рувчиси Алишер Ураимов. — Шу йил бошидан бошлаб жамоамиз



муҳим бир янгиликка қўл урди. Банк миқозлари сонини янада кўпайтириш, уларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсатида "Ипотека-банк"ка ўз ҳисоб рақамларини бошқа банклардан кўчириб, биз билан яқин ҳамкорликда ишламоқчи бўлган йирик корпоратив миқозларга дастлабки уч ой мобайнида банк хизматлари бепул кўрсатиладиган бўлди. Фаолиятимизга бўлган бундай янгиликка ёндашув, табиийки, ўз самарасини бермоқда.

2015 йил 1 апрель ҳолатига банк хизмат кўрсатаётган 396 та ҳўжалик юритувчи субъектига корпоратив карталар эмиссия қилинди.

Яъни, 252 та яқка тартибдаги тадбиркорларга ва 144 та юридик шахсларга корпоратив карточкалар очилди. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида бу 319 дона ташкил этган эди. Хизмат салмоғи жорий йилда 77 донага ортди.

Банк филиали томонидан иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш ва бу соҳага йўналтирилган йирик лойиҳаларни молиялаштиришга муҳим эътибор қаратилаётгани мазкур тармоқнинг жадал ривожига муносиб улш бўлиб қўшилмоқда. 2015 йил 1-чораги мобайнида филиалнинг кредит сийсати Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлашга, кичик бизнес субъектларини қўллаб-



Суратлар: банк сармоялари ҳисобига ёш оилалар учун қурилган янги уйлари ўз эгаларига топшириш пайти; «Камолот» уйлари ёш оилалар қувончига-қувонч қўймоқда.



қувватлашга ҳамда иқтисодиётнинг реал секторларига узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ажратишга йўналтирилди. Хусусан, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, транспорт, сервис хизмати кўрсатиш соҳаларига, тадбиркор аёлларга, ёш оилаларга ипотека, истеъмол ва микрокредитлар берилди.

2015 йилнинг дастлабки уч ойида Марказий банк томонидан "Ипотека-банк"нинг Андижон вилоят филиалига барча молиялаш маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини

ривожлантириш учун 4.6 миллиард сўм кредит ажратилди. Барча молиялаштириш маблағлари ҳисобидан тақсимланган микрокредитлар эса 1.5 миллиард сўмни ташкил этди. Муҳим соҳаларга йўналтирилган кредитлар ҳисобига юздан ортиқ иш ўрни яратилди.

Банк филиали томонидан 2015 йилнинг 1-чораги давомида Андижон вилояти аҳолисини 1 миллион сўмдан ортиқ таълим, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди. Ёш оилаларга ўй-жой сотиб олишлари учун 633,7 миллион сўм миқдориди ипотека креди-

ти берилди. Ўй-жой жиҳозлари сотиб олишларига 81,6 миллион сўм миқдориди имтиёзли истеъмол кредитлари ажратилди. Филиал томонидан берилаётган сармоялар ёш оилалар учун кўп қаватли турар жой бинолари барпо этишга йўналтирилаётгани уларга бўлган муҳим эътиборнинг намунаси дидир.

Ажратилган кредит ҳисобидан Андижон шаҳрининг Навоий шўхқчасида қад ростлаган 30 хонадондан иборат янги кўп қаватли турар жой биноси яқинда фойдаланишга топширилади. Банк сармоясига Балиқчи туманидаги Улугбек, Чинобод массивларида 45 та, Шаҳрихон туманидаги Ваҳм массивида 70 та, Избоскан туманидаги А.Тиллабоев массивида 60 та, Бўз туманидаги Ўзбекистон массивида 30 та янги ўй-жойлар намунавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда. Бу билан жамоа озод ва обод Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, юрт тараққийини таъминлашга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ва эл фаровонлиги оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Рустамжон АХМАДАЛИЕВ,
«Adolat» муҳбири

Xizmatlar litsenziyalangan



ХўРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

"Асака" банк

миллий ва хорижий валюталарда қўйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада: "ҚАДРИЯТ"

Омонатга ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"БАҲОР"

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"ФАРОВОН ТУРМУШ"

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзалар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

"ТЕЖАМКОР"

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади.

хорижий валютада:

"ШОДИЁНА" (АҚШ доллариди)

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фойзалар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"МАДАД" (АҚШ доллариди)

Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фойзалар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"СТАБИЛЬНЫЙ-1" (ЕВРОда)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзалар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"Асака" банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қўлай шартларда 60 дан зиёд омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	226-91-45
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навоий вилоят филиали	436	770-24-09
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	573-18-75
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	223-70-05
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	298-02-10
Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-15-68
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-56
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	226-96-03
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	552-61-06
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- » солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- » маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- » эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- » миқдори чекланмаган!

Ўз уйида ўзганики...

Божхона бекати

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда республикамиз ҳудудига спирт ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний равишда олиб ўтилиши ва сақланишига қарши курашиш бўйича доимий равишда тезкор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, Сирдарё туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида мазкур туманда истиқомат қилувчи Х.Раимовнинг (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) хонадонини амалдаги тартибларга мувофиқ, ҳолилар иштирокида қўздан кечирилганда, божхоначилар ҳовлидаги "Ласетти" автомашинасидан сийми 60 литрлик 5 дона елим идишларда жами 300 литр спирт маҳсулотларини тушираётганлиги гувоҳига айлиниди. Суриштирувлар чоғида мазкур "Ласетти" фуқаро Ж.Саидовга, автомашинадаги спирт эса А.Фодуровга тегишли эканлиги аён бўлди.

Мазкур божхона қоидабузарлигини идди билан бартараф этиш мақсадида тезкор гуруҳ тўзилиб, олинган кўрсатмалар асосида Тошкент вилояти Чиноз туманида истиқомат қилувчи М.Мамуровнинг хонадонини ҳам ҳолилар иштирокида қўздан кечирилди.

Натижада бу ерда ҳам сийми 60 литрлик 18 дона елим идишларда жами 1080 литр спирт маҳсулотлари ноқонуний равишда сақланаётганлиги фош бўлди. Айни пайтда ҳуқуқбузарлик ашёси сифатида 1380 литр спирт маҳсулотлари ва "Ласетти" автомашинаси вақтинчалик сақловга олинди.

Тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига чек қўйиш, акциз марказис ёхуд бошқа давлатларнинг акциз ёрлиғига эга бўлган тамаки маҳсулотларининг мамлакатимизга олиб кирилишининг олдини олиш божхона органлари зиммасига юкланган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Сирдарё вилояти божхоначилари томонидан ҳам тамаки маҳсулотларининг божхона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.



Жумладан, вилоят божхона бошқармаси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда Тожикистон Республикасига чегаралош ҳудудда ўтказилган тезкор тадбир давомида айланма йўлларда "изғиб" юрган "Ласетти", "Нексия" ва "Жигули"дан иборат автомашиналар қарвони тўхтатилиб, қўздан кечирилди.

Натижада мазкур автомашиналарнинг салони ва юкхоналарига ортилган 6 та полиэтилен қопларда хорижда ишлаб чиқарилган ва акциз марказлари бўлмаган "Esse Special Gold" номли 9000 кўти фильтрил сигаретлар борлиги аниқланди.

Суриштирувлар чоғида маълум бўлишича, 6 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тил бириктирган ҳолда мазкур тамаки маҳсулотларини яширин равишда қўшни давлатдан юртимизга олиб киришга уринишган экан.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув жараёнлари давом этмоқда.

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ахборот хизмати

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислоҳ ҚАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Рашид МАТКУРБАНОВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.
Набатчи муҳаррир — Саодат Содиқова
Набатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғли» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgz.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2 Ҳажми — 4 босма табоқ, Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 500. Адади — 11877. Босишга топшириш вақти — 21.20. Босишга топширилади — 22.30. Баҳаси келишилган нархда.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100



ISSN 2071-5237
9 780715 523005
1 2 3 4 5